

Tadqiqot uz

# ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИ ВА ЁШЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ

## МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2021

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

28 FEVRAL
№25

CONFERENCES.UZ

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР" МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 25-КЎП ТАРМОҚЛИ ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ**
**13-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ 25-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"**
**ЧАСТЬ-13**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN 25-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL RESEARCH IN UZBEKISTAN"**
**PART-13**

**ТОШКЕНТ-2021**

**УУК 001 (062)**
**КБК 72я43**

**"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]**

**"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар"** мавзусидаги республика 25-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 28 февраль 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 23 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

**1.Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши**
Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

**2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**
Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фарғона давлат университети)

**3.Тарих саҳифаларидаги изланишлар**
Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

**4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**
Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

**5.Давлат бошқаруви**
PhD Шакирова Шохида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

**6.Журналистика**
Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

**7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**
Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**8.Адабиёт**
PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

**9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни**
Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

**10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар**
Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**11.Жисмоний тарбия ва спорт**
Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

**12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**
Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

**13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**
Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

**14.Тасвирий санъат ва дизайн**
Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**15.Мусиқа ва ҳаёт**
Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**
Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

**17.Физика-математика фанлари ютуқлари**
Доцент Сохадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган мухандислик-технология институти)

**18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**
Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

**19.Фармацевтика**
Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**20.Ветеринария**
Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**21.Кимё фанлари ютуқлари**
Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)

**22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**
Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

**23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**
Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**
Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**25.География**
Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

---

***Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.***

**© Муаллифлар жамоаси**
**© Tadqiqot.uz**

**PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

## АРХИТЕКТУРА ВА ДИЗАЙН ЙЎНАЛИШИ РИВОЖЛАНТИРИШ

**1. М.С.Саипова**
МЕЪМОРИЙ ОБИДА БЕЗАКЛАРИДАГИ РАНГЛАР ЖИЛВАСИ.................................... 7
**2. Boychiboyeva Shohsanam Sodiqjon qizi**
O’ZBEKISTONDA UMUMIY OVQATLANISH MUASSASALARINING RIVOJLANISH TARIXI VA ARXITEKTURAVIY YECHIMLARI (1920-1970-YILLAR). ............................. 11
**3. Sultanova. Muhayyo. Faxriddin qizi**
O’ZBEKISTONDA TURIZMNI RIVOJLANTIRISHDA SAYYOHLIK binolari ARXITEKTURAVIY YECHIMI VA DIZAYNINING AHAMIYATI..................................... 13
**4. Шаира Моткурбонова Алимбоой қизи**
ДИШАН ҚАЛЪА ДАРВОЗАЛАРИ ВА ЁДГОРЛИКЛАРИ. ................................................ 15
**5. Реймов Мухамедали Кенгесбаевич, Зуева Арина Викторовна**
ОРГАНИЗАЦИЯ КОММУНИКАТИВНОЙ СРЕДЫ ДЕТСКИХ ДОШКОЛЬНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ СРЕДСТВАМИ АРХИТЕКТУРЫ И ДИЗАЙНА ..................................................... 19
**6. Тўйчиева Нозимаой Тоир қизи**
САМАРҚАНДДАГИ УЛУҒБЕК МАДРАСАСИ ПЕШТОҚИСИДАГИ АСТРОЛОГИК БЕЗАКЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМИ....................................................................................... 22
**7. Quzibayeva Saida Sobir qizi**
TARIXIY SHAHAR MAHALLA MARKAZLARI ARXITEKTURASINI SAQLASH VA QAYTA TIKLASH .................................................................................................................. 25
**8. Базарбаева А. Б**
РОЛЬ АРХИТЕКТУРЫ В СОЦИАЛЬНОЙ ЖИЗНИ ОБЩЕСТВА. ВЗАИМОСВЯЗЬ АРХИТЕКТУРЫ И ДРУГИХ СФЕР ДЕЯТЕЛЬНОСТИ. ..................................................... 28
**9. Рустамов Исломбек Одилбекович**
ТУРИЗМ СОХАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИЩДА АРХИТЕКТУРА ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ТУТГАН УРНИ ВА АХАМИЯТИ............................................. 30
**10. Shaxnozabanu Sadullaevna**
DEVELOPMENT OF THE DIRECTION OF ARCHITECTURE AND DESINGER............. 32
**11. Бабакандов Отабек Нуритдинович**
ИНТЕРЬЕР ДИЗАЙНИДА БИОНИКА ҒОЯЛАРИ ............................................................... 34

# АРХИТЕКТУРА ВА ДИЗАЙН ЙЎНАЛИШИ РИВОЖЛАНТИРИШ

## МЕЪМОРИЙ ОБИДА БЕЗАКЛАРИДАГИ РАНГЛАР ЖИЛВАСИ

**М.С.Саипова**
Тошкент архитектура-қурилиш
институти таянч докторанти
Т: 97 401-41-72

**Аннотация:** Ушбу мақолада Ўрта аср меъморий безакларида ранглардан фойдаланишнинг ўзига хос томонлари, архитектура, табиат, коинот ва ранглар ўртасидаги уйғунлик шунингдек, архитектурада рангларнинг рамзий ифодаланишининг миллий анъанавий асослари баён этилган.

**Глосарий:** рамз, колорит, етти ранг, илиқ ранг, архитектура, бинафша ранг, қанос, тимсол, ҳаво ранг, гириҳ, композиция, ҳаракат, меҳроб, ранглар рамзи, рангларни уйғунлиги, олтин ранг, қора ранг, сариқ ранг.

Ислом дини Марказий Осиёга кириб келиши меъморчиликда ўзига хос ўзгаришларга олиб келди. Ислом маданияти кириб келгунга қадар, диний иншоотлар деярли безаксиз бўлганлигини гувоҳи бўламиз. Чунки инсонлар ортиқча зебга берилиб кетиш нафсга жилов бериш ақидаси илгари сурилган даврлар бўлган. Ислом дини тан олиниши XII асрларда қурилиш ишларида безак ва ранг кўпроқ ўрин тута бошлаган.

XI-XII асрларда меъморчилик ёдгорликларида қадама нақш ва ўйма нақшли ғишт билан қурилган туйнуклари ости ва токчалар пештоқи усти, китоба ва бошқа бино қисмларида феруза рангли сирланган сополлар билан безатила бошлаган. Меъморий ёдгорлик қурилган даврида қурилган “сана, меъмор номлари, ҳикматлар, “Оллоҳ”, “Али”, “Муҳаммад” сингари сўзлар ёзилган диний рамзларни ҳам рангли сир берилган. Уларни Мағоки Аттори масжиди, Бухородаги Минораи Калон, Жарқўрғондаги минора ва бошқаларни кўриш мумкин. Ўша даврда Қуръони Каримдан суралар ёзиб қўйилганлиги ва айниқса биноларни ички қисми рангдорроқ қилиб безатилди. Сувоқ устига кўк рангли нақш ва ганч ўймакорлик намуналари билан безатилди. Кўпинча пушти-қизил (темир бирикмаларидан), кўк (ултрамарин) ва оқ ранглардан фойдаланилган, қора ва тилла ранглар билан хошия нақшлари бажарилган.



1-расм. Шоҳи Зинда мажмуаси

XIV асрга мовий, феруза ранглар берилган сирли ўйма сопол кўп қўлланилган. XIV асрнинг биринчи ярми ва ўрталарида биноларни ташқи қисмига сирланган кошинлардан кўплаб безак бера бошланди ва кенг тарқалди. Ушбу ҳолатларни Шохи Зиндадаги Қусам ибн Аббос мақбарасидаги (1334 й.), Хожа Ахмад (1360 йиллар), Отсиз (1361 й.) ва бошқа тарихий ёдгорликларни кўриш мумкин. XIV асрнинг 60 йилларида Бухородаги Баён қулихоннинг мақбарасидаги деворлари ҳам Марганец-жигарранг ва кўк ранг, мовий-феруза ва оқ ранглар билан бойитилган ўйма нақшли сирланган сопол билан тўлдириб, безатиб чиқилган.

"Меъморчиликда "мовий-феруза услуби" темурийлар давригача асосий ўрин тутди. XIV аср охиридан меъморчилик иншоотларида сирланган кошин қоплама ва бўёқларнинг янги турлари қўллана бошланиши билан ранг соҳасида туб бурилиш рўй берди. Ҳориждан олиб кетилган кобалт ("мусулмон кўк бўёғи") ёрдамида ҳосил қилинган кўк туснинг хилма-хил кўринишлари муҳим янгилик бўлди. Композицияларда феруза ва тўқ кўк рангларнинг уйғунлашуви темурийлар даври классик безгига айланди" (1) .



2-расм. Шоҳи Зинда мажмуаси

XIV асрни охирида Ўзбекистонда Ўрта асрлар меъморчилигида меъморий безак колоритида янгилик бўлди. Меъморчиликда нақшларга қараганда тўйинганроқ, қуюқроқ ранглар уйғунлигини ҳосил қилган рангли сирланган кошинлардан фойдаланилди. Ранг турларини сирланган гулдор нақшлар ва мозаика тўпламлари технологиясини тобора кўпроқ татбиқ этишга йўл очганлигини кўзга ташланади. Меъморчиликда мовий рангларни анъанавий қўлланиши бошқа ранглар ҳам, фаол қўллана бошланди. Ўша даврда бир тусдаги ўйма терракота ўрнини хилма-хил сопол композициялар эгаллаганини кўрсатади.



3-расм. Шоҳи Зинда мажмуаси

XIV аср иккинчи ярмида барпо этилган меъморий ёдгорликларида рангларнинг ривожланиш эволюциясини кўриш мумкин.

Темурийлар ҳукмронлик қилган дастлабки йилларда қурилган Шоҳи Зиндадаги 1372 йилда Шохи Мулк-око мақбарасида ва Оқсарой ташқи безакларида ва бошқа жойларда сақланиб қолганлигини гувохи бўламиз. Уларни ташқи томонида асосан феруза-оқ ва оқ-мовий ранглардан фойдаланилган бўлиб, ғишт деворлари эса терракота-сариқ фондаги мовий рангларнинг хилма-хил туслари оқ яшил-мовий, қора ва марганец-жигарранг сингари ранглар билан бойитиб борилган.

XIV охирида яъни 1380 йиллардан тўқ кўк, сариқ ва қизил туслар биноларнинг безаклари бойишини таъминлади. Амирзода мақбараси (1386), Шохи Зинда ва бошқа меъморий ёдгорликларида гулдор сополдан ранглар жилоси ўзгарганлигини кўрсатиб турибди. Натижада мозаика технологияси рангларга эътиборни янада кучайтириб юборди.

Шохи Зинда мақбараларига қараб Амир Темур ҳукмронлик даврида қурилган меъморчилик ёдгорликлари деворни тўлалигича зангори-кўкиш кошинлар билан қопланган. Биноларни ниҳоят даражада безатиб яхши ишлов берилди ва тўла , яхлит колоритда безатилди. Инсонлар ислом фалсафасига хос безадилар. Ёрқин кўк гумбазлар осмон маскани рамзи сифатида шаҳарларнинг узоқдан кўзга ташланадиган ифодаси бўлиб қолган. А.Уралов “Меъморий шаклларни уйғунлаштириш ва безаш” дарслигида гумбаз ранглари ва уларни рамзий маънолари тўғрисида қуйидагича мазмунда баён этади: “Ранглар ҳам ўзига ҳос рамзий маънони билдирган дейди. Жумладан, кўк ранг мовий осмон рамзи бўлиб, мовий рангдаги гумбазлар осмонга ўхшатилган. Шу билан бирга айрим жойларда кўк ранг ҳонодонни ёмон кўздан асрайдиган белги сифатида ҳам ишлатилган”(3) .

XV  аср давомида сариқ—яшил, қизил ва сафсар ранглар кўпроқ ишлатила бошланди ҳамда қора ва жигарранг ранглардан нақшларни сиёҳ-қаламида фойдаланилди.

Туркийлар қадимдан осмон илоҳининг (кўк рангин) ранги деб ҳисобланган ва туркий халқларнинг суюкли ранги бўлиб келган (4) . Кўк ранг майса, озуқа, ўсимлик, тириклик, ҳосилдорлик, хотиржамлик каби рамзий маънога эга бўлган. Темурийлар ёдгорликлари ҳисобланган Кўксарой, Кўкгумбаз каби меъморчилик ёдгорликлари “кўк” сўзи сақланиб қолган. Хуллас Туркийларда кўк ранг илоҳийлаштирилган  ва абадийлик рангига боғлиқлигини билдиради.

Элмира Гулнинг “Санъат” журналида “Темурийлар меъморчилигидаги ранг” деб номланган мақоласида меъморчиликда қўлланилган кўк ранг ва оқ рангларни қўлланиш сабабларини қисман бўлсада рамзий маъноларини тўхталиб ўтган.

Мовароуннахр меъморчилиги темурийлар даврида ўзига хос сариқ билан феруза-кўк ранглар ва нихоят, тўйинган кўп рангликкатомон ривожланиб борди. Бу эса дунёвий тамойилларининг намоён бўлиши сифатида кўриш мумкин

Асрлар ўтиши билан рангларни рамзий маъноси ўзгариб борди. Абадий осмон макони ва мотам ранги бўлган кўк ранг нозик сарой маданияти, дабдаба ва бойликни билдирган.

Албатта меъморий безаклардаги образлар сони ва тури жуда кенг ҳудудда тарқалган ва узоқ асрлар давомида шаклланиб, такомиллашиб борган. Юқорида келтирилган мисолларни ўзиёқ уларни нафақат меъморий иншоотларнинг бирор-бир конструктив ёки безак қисми сифатида қўлланилганлигини, балки уларнинг ғоявий-фалсафий аҳамиятга эга бўлганлигини ҳам кўрсатди. Уларнинг аксарият қисми кундалик ҳаёт тарзига айланиб улгурган. Шу ўринда қизиқ факт, мисол учун хонадонларнинг дарвоза ва эшикларида ҳанузгача қўй шоҳини ёки от тақасини учратиш мумкин. Бу эса, Марказий Осиё халқлари қадим-қадимдан ўз эътиқодлари, диний-фалсафий тасаввурларини содиқлик билан сақлаб келишини англатади. Демак, меъморий безакларни тадқиқи фақатгина маълум бир тарихий-маданий ҳудуд ёки давр меъморчилик тарихини ёритиш билан чегараланиб қолмай, балки қадимги аждодларимизнинг  ҳаёт тарзи, уй ва тасаввурлари хусусидаги маълумотларни кенгайтиришга хизмат қилган.(4-расм.)



4-расм. Тиллакори мадрасаси безаклар билан ҳикматлар уйғунлиги.

Хулоса қилиб айтганда ота-боболаримиз қадимий обидалар, турар жой меъморчилиги ташқи ва ички безагига ранг-баранг, нафис композицион ва маъно жиҳатидан боғланган геометрик ва ўсимликсимон нақшлардан нафақат завқ олишган, балки улар орқали ўз орзу-умидларини, муҳаббатларини ҳам намойиш этишган .

**Фойдалинган адабиётлар.**

1. Элмира Гул. Темурийлар меъморчилигида ранг. Санъат // Тошкент . 2010, № 3
2. Ettinghausen R., Grabar O. The Art  and Architecture of Islam 650-1250 // Yale University Press (Pelican History of Art) 213 page.
3. Уралов А. Меъморий шаклларни уйғунлаштириш ва безаш.Дарслик.   Самарқанд: СамДАҚИ, 2003. -196-б.
4. Зиев Ю.А. Ранние тюрки: очерки истории и идеологии. Алматы . 2002
5. Уралов А. Меъморий шаклларни уйғунлаштириш ва безаш.Дарслик. Самарқанд: СамДМКИ, 2003. -196-б.
6. Нозилов Д. Нақшларда куйланган орзу. Фан ва турмуш// Тошкент, 1981 № 12, 4-5 бетлар.

# O'ZBEKISTONDA UMUMIY OVQATLANISH MUASSASALARINING RIVOJLANISH TARIXI VA ARXITEKTURAVIY YECHIMLARI (1920-1970-YILLAR).

**Boychiboyeva Shohsanam Sodiqjon qizi**
Kamoliddin Behzod nomidagi Milliy
rassomlik va dizayn instituti 1-kurs magistranti

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada O`zbekistonda umumiy ovqatlanish muassasalarining paydo bo'lishi va 1920-1970- yillardagi rivojlanish tarixi va arxitekturaviy yechimlari haqida so'z boradi.

**Аннотация:** Статья посвящена возникновению предприятий общественного питания в Узбекистане, истории развития и архитектурным решениям в 1920-1970 годах.

**Annotation:** This article deals with the emergence of public catering facilities in Uzbekistan and the history of its development in the 1920s and 1970s, as well as architectural solutions.

**Kalit so'zlar:** umumiy ovqatlanish muassasalari, choyxona, "sotsialistik" turmush tarzi, "Guliston" va "Moviy gumbazla" restoranlari

**Kirish.** Bugungi kunda umumiy ovqatlanish muassasalari hayotimizning ajralmas qismiga aylanib ulgurgan. Chunki faol turmush tarziga odatlangan zamonamiz kishilari xizmat vazifalari chog'ida, safarlarda yoki shunchaki ovqatlanish va xordiq chiqarish maqsadida bunday joylarga tashrif buyurishadi. Bunday muassasalarning albatta o'ziga yarasha tarixi mavjud bo'lib, ularni o'rganish davomida umumiy ovqatlanish muassasalarining rivojlanib borish bosqichlarini ba'zi misollar orqali ko'rishimiz mumkin.

Mamlakatimizdagi umumiy ovqatlanish muassasalarining eng qadimiy turi bu choyxonalar hisoblanadi. Choyxonalar qachon paydo bo'lganligi to'g'risida aniq ma'lumotlar yo'q, biroq ularning qanday joylarda joylashganligini ko'rib chiqishimiz mumkin. Choyxonalar O'rta Osiyo xalqlariga taaluqli, erkaklar yig'ilib choy ichidagan yoki taom tanovvul qiladigan maskanlar hisoblanib, dastlab karvonsaroylar, bozorlar va mahalla guzarlarida joylashgan. Yozning quruq va issiq kunlarida salqin bo`lishi uchun ariqlar yoqalariga qurishga harakat qilingan va ochiq havoda o`tirish uchun atrofiga joylar tayyorlangan. Choyxona binosining ichida samovarlar bo`lib, bu samovarlar choyxonaning tashrif qog'ozi hisoblangan. Samovarlar choyxona binosining hammaga qulay bo'ladigan nuqtasiga o'rnatilgan. Xo'rrandalar uchun choy aynan shu samovarlarda qaynatilgan. Qishda esa samovarlar binoni isitish tizimi bo'lib xizmat qilgan. Choyxonalar binolari hom g'ishtlardan qurilgan. pollari ham loy bilan suvalgan. Bugungi kunda choyxonalar ham zamonaviylashib, avvalgi qurilish uslublari va xizmat ko`rsatish turlaridan yiroqlashgan, biroq asosiy konsepsiyalar saqlanib qolgan. Hozirda ham choyxonalar erkaklar tashrif buyuradigan maskanlar hisoblanadi va u yerga borib choy ichish va taom tanovvul qilish mumkin.

Mamlakatimizdagi barcha sohalar singari umumiy ovqatlanish sohasiga ham mustamlakachilik davri o'z ta'sirini ko'rsatdi. XX asrning 20- yillaridan boshlab Sovet Ittifoqi "sotsialistik" turmush tarzini yaratishga qaratilgan bir qator dastur va rejalarni ishlab chiqa boshladi. Bu borada hal qilinishi kerak bo'lgan vazifalar bir qator yo'nalishlarni qamrab olishi kerak edi. Ulardan biri umumiy ovqatlanish korxonalarini keng miqyosda tashkil etish edi. Shu maqsadda 1920 yil mart oyida Turkiston oziq-ovqat komissarligi tashkil etildi. Bundan maqsad, mamlakat iqtisodiyotini va "sotsialistik" iqtisodiyot shakllarini mustahkamlash uchun O'zbekistonda davlat va kooperativ, ulgurji va chakana savdoni rivojlantirish, shu jumladan xususiy savdoni siqib chiqarishga e'tibor berish edi. 1923-1924- yillarda yirik shaharlarda mehmonxonalar, bog'lar va bozorlarda umumiy ovqatlanish va barbekyu inshootlari ochildi. 30-yillarda umumiy ovqatlanish tizimini tashkil etish va boshqarish, ushbu sohani rivojlantirish, uning sanitariya holatini yaxshilash, zarur jihozlar bilan ta'minlash va mahsulotlar sifatini oshirish bo'yicha chora-tadbirlar ko'rildi. Yigirmanchi asrning 40-yillarida O'zbekistonda umumiy ovqatlanish xizmatlari ko'plab muassasa va tashkilotlarning o'zlari tomonidan ko'rsatila boshlandi. Xususan, bunday xizmatlar "O'zbekxunarkengash" (O'zbekiston hunarmandlari kengashi), O'zbekiston nogironlar kengashi, "O'zbekbirlashuv", mahalliy sanoat xalq qo'mitasi, qurilish materiallari xalq qo'mitasi, harbiy savdo muassasalari, maxsus savdo O'zbekiston, kooperativ baliq ovlash uyushmasi, temir yo'l bufetlari, daryo floti va boshqa ko'plab muassasa va tashkilotlar. Keyinchalik jamoat ovqatlanish sohasida aholiga xizmat ko'rsatish bir necha vazirlik va muassasalar tomonidan amalga oshirila

boshlandi. Ikkinchi Jahon urushi davrida oziq-ovqat mahsulotlari etishmasligi sababli, ularni aholini davlat tomonidan ta'minlash ratsion tizimi orqali amalga oshirildi. Xalq xo'jaligining muhim sohasi bo'lgan umumiy ovqatlanish tizimining rivojlanishiga o'tgan asrning 50-yillarida qabul qilingan qarorlar sezilarli ta'sir ko'rsatdi. Umumiy ovqatlanish xizmatlari bir nechta vazirliklar tomonidan ko'rsatildi. 1928 yilda O'zbekistonning davlat va kooperativ tashkilotlari tarkibiga kirgan umumiy ovqatlanish korxonalarining soni 88 tani, 1940 yilga kelib 3003 tani, 1955 yilga kelib esa 3829 ga etdi. O'zbekistonda 10.000 aholi hisobiga umumiy ovqatlanish korxonalarining soni 1940 yilda 4 ta, 1955-1960 yilda 7 tani tashkil etgan. 1960- yillarda respublikamizning ba'zi shaharlarida umumiy ovqatlanish muassasalarining tanovvul qilish va xizmat ko`rsatishga yaroqsiz binolarda joylashganligi aniqlangan. Bundan tashqari korxonalar qoshidagi oshxonalardagi joylar soni ishchilar soniga nisbatan juda kam bo`lgan. Masalan, Toshkent plastmassa mahsulotlari zavodida 1500 ishchiga 40 o'rinli oshxona xizmat ko'rsatgan. Bunday holda o'sha vaqtda respublikada moddiy texnik bazaning yetishmasligi ham asosiy sabablardan hisoblangan. Masalan, oddiy qoshiq va sanchqilar yetishmasligi sabab xo`rrandalar qo`lda ovqatlanish hollari ham kuzatilgan. 1970- yilga kelib Toshkentdagi yuz bergan 1966-yilgi zilziladan so'ng barcha tarmoqlar singari umumiy ovqatlanish muassasalari binolari ham qayta qurila boshlandi.

1970 yildan boshlab ko`plab o'sha davr uchun yangi va bugungi kun uchun tarixga aylangan umumiy ovqatlanish muassasalari binolari qurilgan. Ulardan biri "Guliston" restorani. Restoran 4 qavatdan iborat bo`lgan va juda murakkab relyefda joylashgan. Yerto'la qavati va yuqorida ayvoniga ega. Arxitektorlar L.S. Komissar va A.I. Freygat hisoblanadi. Dastlab restoranni "Sharq" deb nomlamoqchi bo'lishgan biroq, qurilish ishlari tugagach unga "Guliston" deb nom berishgan. Interyerlarini loyihalashda taniqli rassom-haykaltaroshlar I. Lepine, N. Grossman, P. Jarskiy va R. Nemirovskiylar qatnashishgan. Ushbu restoran 2004 yilda Toshkentning eski shahar qismini qayta qurish vaqtida atrofidagi boshqa obyektlar singari buzib tashlangan.

Yana 1970-yilda qurilgan va bugungi kunga qadar aholiga xizmat ko'rsatib kelayotgan restoranlardan biri bu "Moviy gumbazlar" restoranidir. Arxitektori Vilya Muratov hisoblanadi. Qurilish ishlari bilan esa O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan quruvchi Pavel Sarkisov shug'ullangan. Arxitektura kompozitsiyasining markazi qabulxona va yordamchi xonalarga tutashgan zalldir. Yozgi zall-teraassa umumiy kompozitsion yechimni to'ldiradi. Bino xalq me'morchiligining an'anaviy texnikasi bilan bezatilgan. Savdo zalli maydoni 225 m kv.

Yuqoridagi ko`rilganlardan xulosa qiladigan bo'lsak, umumiy ovqatlanish muassasalari tizimi har doim ham bir tekisda rivojlanmagan. Birinchidan, bunga milliy mentalitetning ham ta'siri bo'lgan. Chunki o'zbek halqida oilaparvarlik hissi yuqori bo'lganligi sababli aholi nonushta, kechlik ovqatlanish vaqtlarida umumiy ovqatlanish muassasalariga ko'p tashrif buyurmagan. Ikkinchidan, bunday takshilotlarning rivojlanishiga moddiy texnik baza sezilarli ta'sir ko'rsatadi. Uning yetishmasligi tanovul maskanlarida kamchiliklarni keltirib chiqargan. Uchinchidan esa eng boshida ko'zlangan maqsad: umumiy ovqatlanish muassasalarini rivojlantirish maqsadi o'z tasdig'ini to'laqonli topmagan.

Shuni ta'kidlab o'tish lozimki, tizimdagi xizmat ko'rsatuvchi binolar, ya'ni tanavul maskanlari binolarining qurilishi, arxitekturasi o'zgarishiga 1966- yilda Toshkent shahrida yuz bergan zilzila ham o'z ta'sirini ko'rsatgan.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1. Архитектура Советского Узбекистана. Т.Ф. Кадирова, К.В.Бабиевский, Ф.Ю. Турсунов 1972.
2. Большая Советская энсиклопедия
3. Молодой учёный №12(59)
4. www.centralasia-travel.com

# O'ZBEKISTONDA TURIZMNI RIVOJLANTIRISHDA SAYYOHLIK BINOLARI ARXITEKTURAVIY YECHIMI VA DIZAYNINING AHAMIYATI.

**Sultanova. Muhayyo. Faxriddin qizi**
MRDI. Dizayn fakulteti o'qituvchisi.
Telefon: +998909801116
muhayyosultanova1505@gmail.com

**Annotatsiya:** Davlatimiz rahbari tomonidan turizm sohasiga qaratilayotgan alohida e'tibor samarasida mamlakatimizning sayyohlik salohiyati tobora yuksalib bormoqda. Yangi-yangi zamonaviy mehmonxonalar, dam olish maskanlari barpo etilmoqda. Yangi sayyohlik yo'nalishlari ishlab chiqilib, servis yaxshilanmoqda. Bu yurtimizga kelayotgan chet ellik sayyohlar oqimining kengayishi, ichki turizmning rivojlanishi, yangi ish o'rinlari yaratilishi va aholi farovonligining oshishida muhim omil bo'layotir. Ushbu maqolada ham O'zbekistonda turizmning darajasini oshirishda sayyohlik maskanlarining o'rni, arxitekturaviy dizayn yechimlari haqida yoritib berilgan.

**Kalit so'zlar:** Turbaza, turizm, servis, ekoturizm, geoturizm, rekreatsiya, zona.

Mamlakatimiz tarixiy qadamjolari va arxitekturasi ko'pligi bo'yicha dunyodagi yetakchi o'n davlat qatorida turadi. Yurtimizda yetti mingdan ortiq me'moriy va arxeologik obidalar mavjud va bunday bebaho meros xalqimizning bitmas-tuganmas boyligidir.

Yurtimiz tabiati g'oyat rang-barang, betakror. Bu yerda purviqor tog'lar ham, dashtu cho'llar ham, daryoyu ko'llar ham bor. Bu ekoturizmni rivojlantirish, sayohatlarni qiziqarli tashkil etish, hududlarning sayyohlik imkoniyatlarini oshirishda muhim ahamiyatga ega.

Bu imkoniyatlarni keng targ'ib etish borasida, kurortlar hamda sayyohlik tashkilotlari faoliyatini takomillashtirish bo'yicha keng ko'lamli ishlar olib borilmoqda va har bir hududning o'ziga xos jihatlari, ichki imkoniyatlaridan kelib chiqqan holda manzilli dasturlar amalga oshirilmoqda. Masalan, tarixiy obidalar kamroq bo'lgan joylarda ekoturizm, geoturizm, off-road sayohatlari, tog'li zonalarda alpinizm, rafting kabi ekstremal turistik xizmatlar tashkil etilayotgani buning yoqin misolidir. Shuningdek Qoraqalpog'iston Respublikasi, Navoiy, Jizzax va Xorazm viloyatlarida bir qancha o'tov oromgohlari, kempinglar, dam olish va sog'lomlashtirish maskanlari barpo etildi. Ugom-Chotqol davlat milliy tabiat bog'i, Amudaryo va Aydarko'l sohillari, Qizilqum cho'li, Nurota va Boysun tog' tizmalari kabi tabiat go'shalari bo'ylab yangi sayyohlik yo'nalishlari tashkil qilindi.

Bugungi kunda O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan tasdiqlangan hududiy dasturlarga muvofiq sayyohlik sohasini rivojlantirish ishlari izchil davom ettirilmoqda. Madaniy meros obyektlarini restavratsiya qilish, turistik obyektlarni qurish va ta'mirlash, yangi sayyohlik yo'nalishlarini ishlab chiqish, turistik mahsulotlarni diversifikatsiya qilish, mamlakatimiz sayyohlik salohiyatini targ'ib etishga qaratilgan loyihalar amalga oshirilmoqda. Bilamizki, turizm sohasida uning jadal rivojlanishi va bir maromda taraqqiy qilishida turistik faoliyatning amalga oshirilishi mehmonxona faoliyatiga ham bog'liq.

Respublikamizda ham ushbu jihatlarni mustaqillikning dastlabki kunlaridan boshlab rivojlantirishga e'tibor qaratilib, bugungi kunda turizm asosiy davlat siyosati darajasiga ko'tarildi. Bu haqda Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoev quyidagicha ta'kidlaydi: "Biz hozir faqat turizmni rivojlantirish bilan shug'ullanadigan tuzilmaga doir masalalarni tasdiqladik. Bu choralar turizmning O'zbekiston iqtisodiyoti rivojiga qo'shadigan hissasini oshirish, tarixiy va madaniy qadriyatlarimizni targ'ib qilish, shuningdek, valyuta zaxiralarini to'ldirish bo'yicha aniq chora-tadbirlar bilan kuchaytirilishi zarur." [1]

Yurtimiz turizmga bo'lgan e'tiborini nafaqat yuqorida takidlanganlar, shuningdek davlatimizga kirib kelayotgan turistlar oqimini ko'paytirish va ularga sifatli hizmat, maroqli hordiq taqdim etish maqsadida turli hil mehmonhonalar va sayyohlik maskanlari sonini ham ko'paytirmoqda. Bu borada hozirgacha ko'plab misollarni ko'rishimiz mumkin. Aynan poytahtdan uzoqlashmagan holda, birgina Toshkent viloyatidagi tog'li hududlarning o'zida bir nechta mehmonxonalar va sayyohlik maskanlarini misol qilishimiz mumkin. Buning yana bir dalili sifatida esa Toshkent shaxridan 80 km uzoqlikda Toshkent viloyati Bo'stonliq tumani tog'li hududida ochilgan "Amirsoy" tog'li kurort zonasini ham ko'rishimiz mumkin.

O'zbekistonda turizmni rivojlantirish yo'lida eng asosiy bosqichlardan biri Sayyohlik maskanlarini loyihalash va jahon standartlariga javob bera oladigan darajaga yetkazish alohida ahamiyatli hisoblanadi. Ushbu maqsaddan kelib chiqib, sayyohlik maskanlarini loyihalashda:

- Sayyohlik maskanlarining O'zbekiston turizm sohasida tutgan o'rnini oshirish;
- Tarixiy madaniy meroslari mavjud shahar va viloyatlarda Sayyohlik maskanlari va ularning talab darajasini kengaytirish;
- Sayyohlik maskanining rivojlanishiga ta'sir qiluvchi omillarni o'rganish;
- O'zbekistonda sayyohlik maskanining rivojlanish holatini tahlil qilish va mavjud sayyohlik maskanlarining samaradorlik darajasini oshirish;
- Sayyohlik maskanlarini loyihalashda shaxarsozlik va me'moriy badiiylik talablariga rioya qilgan holda yaratish;
- Sayyohlik maskanini loyihalashda zamonaviy arxitektura va interyer dizayni yechimlarini ishlab chiqishga alohida e'tibor qaratish lozimdir.
- Sayyohlik maskanlarini loyihalash protsessida binolarining hajm-rejaviy yechimlarining shakllanishi quyidagi asosiy faktorlar yordamida aniqlanadi: funksional protsess va shu asosida aniqlanadigan xonalaming tarkibi, geometrik parametrlari, xonalaming joylashuviga, bir-biriga bog'lanishiga qo'yilgan talablar; shahar qurilishi talablari; tabiiy iqlimiy faktorlar, shu bilan birga qurilish uchastkasi xususiyatlari, uning relefi, atrofidagi qurilishlar, joyning landshafti va boshqa tavsiflari; loyihalanilayotgan binoning konstruktiv xususiyatlari; loyihalanilayotgan jamoat binolarining qurilish ansamblidagi ijtimoiy mazmuni va qiymatiga bog'liq bo'lgan arxitektura-badiiy vazifalar; binoning qurilishi, uning funksional va texnik foydalanilishi, hajm-rejaviy va konstruktiv yechimlarini iqisodiy jihatdan arzonligi.[3]
- Dam olish zonasining shaharsozlik to'g'risidagi qarori, uning barcha tarkibiy qismlarini rivojlantirishning progressiv yo'nalishlarini hisobga olgan holda va mintaqadagi rekreatsiya resurslarini himoya qilishni ta'minlagan holda, mintaqadagi milliy iqtisodiyotni rivojlantirish bo'yicha kompleks rejaga asoslanishi lozim. [4]
- Sayyohlik bazalari, mehmonxonalar va dam olish majmualarini rejalashtirish bo'yicha qarorlar ichki va boshqa uslublarning uyg'unligi bilan cheklanmaydi, chunki ular yangi qurilish texnologiyalariga binoan metall va temir-beton kabi qurilish materiallaridan foydalangan holda qurilganligi inobatga olinadi.
- Agar ko'plab yangi tarkibiy va me'moriy yechimlar hozirgi bir qator yangi uslublardan ilhomlangan bo'lsa, turistik lagerlar, mehmonxonalar va dam olish majmualarining dizayn va rejalashtirish loyihalari dam olish sohasi binolari metall ramka asosida yaratilganligini hisobga olgan holda tanlanadi. Bu xizmatlardan foydalanuvchilar va xizmat ko'rsatuvchi xodimlar uchun juda qulay bo'lgan makonni rejalashtirishning sodda va qulayroq sxemalarini anglatadi. [5]

Ushbu yo'lda istiqbolli natijaga erishish uchun, rivojlangan davlatlar turizmi va shu bo'yicha izlanishlar olib borgan ko'plab olimlar, mashxur arxitektorlar tajribalaridan unumli foydalanish mumkin bo'lsa, bularni amalga oshirishda Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning 2016 yil 2 dekabrdagi «O'zbekiston Respublikasining turizm sohasini jadal rivojlantirishni ta'minlash chora-tadbirlari to'g'risida»gi farmoni; O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 3-fevraldagi «O'zbekiston Respublikasi turizm salohiyatini rivojlantirish uchun qulay shart-sharoitlar yaratish bo'yicha qo'shimcha tashkiliy chora-tadbirlar to'g'risida»gi PF-5326-son farmoni; O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 16-avgustdagi 2018-2019-yillarda turizm sohasini rivojlantirish bo'yicha birinchi navbatdagi chora-tadbirlar to'g'risida»gi PQ-3217-son qarorlaridan normativ hujjat sifatida ham foydalanish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati:

1. Prezident Shavkat Mirziyoyevning 2016 yil 2 dekabrdagi «O'zbekiston Respublikasining turizm sohasini jadal rivojlantirishni ta'minlash chora-tadbirlari to'g'risida»gi farmoni.
2. Qurbonov J.M., Mamarasulov Z.E., Qurbonov J.J. "Mehmonxona xo'jaligini tashkil etish" Ma'ruzalar kursi I- qism. -S.: SamISI 2011y.
3. A.Abduvohidov, F.Qutlimurotov -Turizm iqtisodi - O'quv qo'llanma. - TDIU, 2007 y. - 121 b.
4. Архитектурные конструкции малоэтажных жилых зданий. М., 2005.
5. Савченко М.Р. Архитектура как наука: методология прикладного исследования. М.: Изд.: Едиториал УРСС, ЛКИ, 2004.

# ДИШАН ҚАЛЪА ДАРВОЗАЛАРИ ВА ЁДГОРЛИКЛАРИ.

**Шаира Моткурбонова Алимбоой қизи**
Магистр (ТАҚИ)
+998(99)5782767

**Аннотация.** Мақолада Хива шаҳри Дишан қалъа дарвозалари, деворлари хақида, Шахар тарихий худудининг тизими ва ёдгрликлари хозирги кундаги тарихий шаҳар қиёфаси, меъморий кўриниши ва хозирги холати ўрганилди.

**Калит сузлар:** Дишан қалъа, дарвозалар, Дешон қалъа ҳовузлари тарихий шахар,Чилла авлиё минораси.

Дишан қалъа (*ташқи қалъа* деган маънони ҳам англатади) — Яъни Хиванинг робот қисми ҳисобланади. 1842 йилда Хоразим хони Оллақулихон Хивани ташқи ҳужумдан сақлаш учун девор билан ўратган. Қурилишга шу ҳудудда яшовчи ва кўплаб аҳоли жалб қилинган, ва қалъа 6 ҳафтада битказилган. Девор узунлиги 6250 метр бўлиб, девор қалинлиги эса 5—6 метрни ташкил килади.

Дешон кала деворининг баландлиги 8-10 метр, асосининг кенглиги 6-10 метр атрофида пахсадан курилган. Девор бўйлаб тахминан хар 30 метрда ярим айланасимон буржлар мавжуд.. Калъанинг ички томонида деворнинг устки кисмида арава йўли деб ном олган йўлак мавжуд. Арава йўлининг эни тахминан 1,5 - 2 метр. Деворнинг юкори кисмида жангчилар ўк отиши учун шинаклар колдирилган.

Калъа атрофини кузатиш максадид бурчаклар калъа деворидан 4-5 метр чикибкурилган. Хавф-хатар тугъилган пайтда сокчилар оловёкиб сигнал беришган. Дастлабки курилган 10 дарвоаза куйидагилар: Хазорасп, Пишканик, Богишамол, Шихлар, Тозабог, Шохимардон, Дошёк, Гандимён, Гадойлар ваУрганчдарвоза.

Дишан қаъла-Хива шахрининг маркази ҳисобланади. Дишан қалъанинг бош кўчалари (Ҳазорасп, Боғи шамол, Шоҳимардон, Қўш) Нуруллабой саройи, Сайидбой мадрасаси ва масжиди, Сайид Моҳи руи жаҳон, Тўрт Шаббоз, Абдолбобо мажмуалари каби кўпгина обидалар сақланиб қолган. Дишан қалъада ҳозир маъмурий ва маиший бинолар, хиёбонлар барпо этилган (1-расм)



1-расм. Дешан каъла деворлари ва дарбозалари харитаси.



2-расм. Дешан каъла ёдгрликлари ва дарбозалари бошлангич жойлашув режаси.

Шаҳар аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида ҳовузлар қазилган ва уларга сув тўпланган. Ҳовуз атрофи гужум, қайрағоч ва туй дарахтлари билан ўралиб, соя, хушманзара жой бўлган. Сув ҳовузларга баҳор ойидан қуйилиб, то кеч кузгача сақланган. Ҳовузда сув ботил бўлмаган, аксинча бир томондан кириб, иккинчи томондан оқиб чиқиб кетган. Шу боисдан ҳам сув тоза, ҳамма вақт ичиш учун яроқли бўлган.

Ҳовузлар ҳар йили эрта баҳордан тозаланган. Бунда шу яқиндаги маҳаллалар аҳолиси қатнашган.

Жанубий қисмда саноат бинолари, гилам тўқиш фабрикаси, қатор омборхоналар ҳамда базалар тикланган.

Бузиб ташланган Рафаник саройи участкасида замонавий икки қаватли: мактаб, болалар боғчаси, ТИМСХ институтининг филиали бинолари қурилган. Октябр 50 йиллиги кўчаси ёқаси ва Гагарин кўчаси бўйлаб секцияли типдаги икки қаватли турар-жой бинолари қурилган.Дишан-қалъанинг жанубий-шарқий қисмида “планли” уйлар деб номланган бир қаватли бинолар қурилган.

Тарихий зона ҳудудида учта эски қабристон мавжуд: Улардан биттаси Бикажан-бика мажмуаси ёнида, иккинчиси Ичан-қалъанинг жанубий-шарқий қисмида Бол-ҳовуз ёнида ва учинчиси Тўрт-Шаббоз мажмуаси ёнида жойлашган (ўтган асрнинг 80 йилларида бу участка тозаланган ва қайта режалаштирилган).

Айрим манбаларда Дешон қалъанинг ўнта дарвозаси бўлганлиги ҳақида айтилган улар қуйидагилар:

1) Хазорасп дарвозаси (кўй дарвоза деб ҳам аталади) - шаҳарнинг шимолий-шарқий қисмида. Бу дарвоза орқали Янгиариқ, Хонқа, Боғот, Хазорасп шаҳарларига борилади. Дарвоза ғиштдан қурилган. Ҳозирда ҳам мавжуд.

2) Пишканик –шаҳарнинг шарқий қисмида. Шу яқин атрофдаги қишлоқ номига қўйилган. У қумёска деб ҳам юритилади. Чунки, шаҳарнинг ичкари қисмида шу номда маҳалла бўлган.

3) Ангарик- жанубда жойлашган қишлоқ номи билан боғлиқ. Бир вақтлар шу дарвоза орқали Оллақулихоннинг боғи- “Боғи шамол”га махсус йўл бўлган. Ҳозирда бу дарвоза қайтадан тикланмокда.(3-расм)



3-расм. Ангарик дарвоза

4) Шихлар-жанубий дарвоза. Шу номли маҳалла номига қўйилган. Хоразм Республикаси тузилгунига қадар бу қишлоқ Паҳлавон Маҳмуд мақбараси учун вақф қилинган. Дарвоза пахсадан қилинган бўлиб, ҳозирда йиқилиб кетган.

5) Тозабоғ - жанубий-ғарбий дарвоза. Бу дарвоза орқали Муҳаммад Раҳимхон II нинг "Қибла тоза боғи"га борилган. Дарвоза пахсадан қурилган, ҳозирда йиқилиб кетган.

6) Шоҳимардон – ғарбий дарвоза. Аталмиш "Шоҳи мардон" (мард йигитлар) аслида шу яқинда барпо қилинган "Шоҳи амалдор" (Амалдорлар шоҳи) номли қабристон билан боғлиқ. Дарвоза пахсадан қурилган бўлиб, ҳозирда йиқилиб кетган.

7) Дошёқ – ғарбий-шимолий дарвоза. Шу яқинда жойлашган қишлоқ номи билан боғлиқ. Дарвоза пахса девордан иборат бўлиб, ҳозирда йиқилиб кетган.

8) Қўша дарвоза – шимолий дарвоза. У 1912 йилда икки томонлама йўл ҳаракатига мослаб, пишиқ ғиштдан қурилган ва халқ тилида Урганч дарвозаси деб ҳам аталади. (4-расм)



4-расм. Қўша дарвоза

9) Гадойлар – шимолий дарвоза. Маҳалла номи билан аталган. Шу дарвоза орқали Хива хонлари хилхонаси- Саййид Моҳи Рўйи Жаҳон қабристонига ўйилган. Ҳозирда дарвоза йиқиб ташланган.

10) Гандимён – шимолий дарвоза (ҳозирги пахта тозалаш заводи ўрнида бўлган). Шу яқин қишлоқ номи билан аталади.

Ҳар бир дарвозанинг ўз тарихи, кўриниши, афсонаси ҳам мавжуд. Гандимён дарвозаси орқали шаҳар ташқарисидаги намозгоҳ масчидига борилган. Бу ерда катта диний байрамларда намоз ўқилган ва халқ сайллари уюштирилган.

**Дешон қалъа ҳовузлари**

Шаҳар аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида ҳовузлар қазилган ва уларга сув тўпланган. XX аср бошларида Хива шаҳрида 14 та катта ҳовузлар: Ота-ҳавуз, Боғча ҳавуз, Читкар ҳавуз, Чилла авлиё, Болҳавуз, Давлатёр охун, Полвон ҳавуз, Бий ҳавуз, Султон заргар, Мадаминхон, Тўрт Шаббоз, Абдол бобо, Бозор ҳавуз ва Дешон ҳавузлар мавжуд бўлган. Бу ҳовузлар асосан шаҳар дарвозлари, карвонсарой, бозор ва чорроҳалар яқинида қазилган. Шу мақсадда унинг атрофларига қаландархона ва мусофирхоналар (меҳмонхоналар) қурилган.

Ҳовуз атрофи гужум, қайрағоч ва туй дарахтлари билан ўралиб, соя, хушманзара жой бўлган. Сув ҳовузларга баҳор ойидан қуйилиб, то кеч кузгача сақланган. Ҳовузда сув ботил бўлмаган, аксинча бир томондан кириб, иккинчи томондан оқиб чиқиб кетган. Шу боисдан ҳам сув тоза, ҳамма вақт ичиш учун яроқли бўлган.

Ҳовузлар ҳар йили эрта баҳордан тозаланган. Бунда шу яқиндаги маҳаллалар аҳолиси қатнашган.

**Болҳовуз**

Шаҳар ичкарисида жойлашган Тўрт Шаббоз ва Бол ҳовузларга шаҳар ичкарисидан оқиб ўтувчи Серчали ариғидан сув махсус “гулбадавлар” –ер ости сув йўллари орқали юборилган. Айрим ҳовузлар хон хазинаси ҳисобига қазилган, айримлари бойлар ва савдогарлар томонидан қаздирилган. Масалан, Отаҳовуз, Мадаминхон ва Боғча ҳовузлар хон ҳазинаси ҳисобига қурилган бўлса, Читкар ҳовуз, Полвон ҳовузни бой заминдор кишилар қазитганлар.

**Музхона**

Хива шаҳрида ҳовузлардан ташқари сув таъминоти учун махсус музхоналар ҳам қурилган. Чунончи, Нурилло читкар маҳалласида Мадаминхон (1851-1855 йй.) томонидан шундай музхона қурилган.

Кеч кузда ҳаво совиб, ҳовузлар суви яхлабун билан музлар тўпланиб, қамишларга ўралиб, музхоналарда сақланган. Баҳор келиши билан эса уларни эритиб, ичимлик сув сифатида фойдаланишган.

Бундан ташқари шаҳар ичкарисида ва шаҳар ташқарисида жойлашган Қутлуғ Мурод Иноқ мадрасасида, Тўрт Шаббоз масчиди яқинида катта қудуқлар – “тагизаминлар” – (сардобалар) бўлган. Бу тагизаминлар йилнинг тўрт фаслида ҳам сувга тўла бўлиб, аҳолини ичимлик суви билан узликсиз таъминлаб турган.

**Чилла авлиё минораси**

Хива шаҳри миноралари билан ҳам машҳур. Миноралар маълумки, ислом дини юртимизга тарқалиши билан боғлиқ равишда қурилгандир. Ҳар бир катта ва кичик масчид ёнида минора қурилган бўлиб, ундан “сўфи” беш вақт азон айтиб, аҳли мусулмонни намозга чорлаган.

Вақт ўтиши билан миноралар ўзининг илк вазифасини Шўролар даврида тўхтатиб қўйганлар.

Чилла авлиё минораси ҳам Хива шаҳрининг жанубий қисмида, шу ном билан аталувчи маҳалла масчиди яқинида қурилган бўлиб, ҳозирда ҳам мавжуд.

Хива шаҳридаги бу каби меъморий обектлар Хива шахрининг тарихий маркази Дишан қалъада жойлашган ва ўзининг хозирги кунда хам ўзининг тарихийлигини ва бадийлигини сақлаб қолишга ҳаракат қилиб келинмоқда.

# ОРГАНИЗАЦИЯ КОММУНИКАТИВНОЙ СРЕДЫ ДЕТСКИХ ДОШКОЛЬНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ СРЕДСТВАМИ АРХИТЕКТУРЫ И ДИЗАЙНА

**Реймов Мухамедали Кенгесбаевич,**
Студент бакалавриата,
Нукусского Государственного Педагогического Института;
**Зуева Арина Викторовна,**
Студентка бакалавриата,
Нукусского Государственного Педагогического Института.

**Аннотация.** Статья посвящена вопросам организации коммуникативной воспитательной среды дошкольных учреждений средствами архитектуры и дизайна. Рассмотрены основные требования и условия создания комфортной среды. Приводятся примеры зарубежного опыта в решении проблем этой сферы. Обосновывается необходимость много гранных подходов к организации средыдетских учреждений.

**Ключевые слова:** коммуникативная среда; детское дошкольное учреждение; архитектура; дизайн; технологии строительства; концептуальное проектирование.

Актуальные технологии строительства, архитектуры и дизайна в контексте современности пред-полагают варианты развития технической мысли и её адаптации к конкретным проектным задачам. Использование современных материалов и 3D-тех-нологий, «Зеленое строительство», новые архитектурные формы, возникающие как следствие совокупности новых технологических возможностей и эстетических образов времени, всё это подчинено функциональным вопросам наряду с вопросами экологичности и технологичности. В целях совершенствования государственной политики Российской федерации в сфере защиты детства, указом президента РФ 2018-2027 годы в Российской Федерации объявлены Десятилетием детства. Проблема необходимости совершенствования подходов в сфере строительства детских учреждений очевидна. Архитектурный образ детского учреждения влияет не только на зрительное восприятие, но и на психологическое состояние ребенка. Среда, в которой дети проводят достаточно большое количество времени должна соответствовать своим основным функциям. Прежде всего, это должно быть эргономичное, грамотное организованное пространство. Непременным условием «детского интерьера», безусловно, является образное решение среды (экстерьера и интерьера), стимулирующее положительные эмоции, коммуникации и познавательную деятельность детей, и использование экологически чистых материалов. Современная архитектура в руках специалиста имеет большие возможности в со-здании нового, интересного, способствующего гармоничному развитию детей. Архитектурная среда многообразная по своему содержанию и формам, способствует созданию положительно эмоционального заряда у детей, в то время как безликая однообразная архитектура может вызвать негативные эмоции, которые не будут стимулировать желание учиться и познавать окружающую среду в полной мере. Экстерьер здания, прежде всего, должен привлечь ребенка, заинтересовать. Использование натуральных материалов и теплых оттенков должно способствовать интерес-ному времяпрепровождению ребенка. Развитие современного мира позволяет создавать экстерьер и интерьер детских дошкольных учреждений с применением современных технологий, таких как: аддитивные технологии, леготехнологии, технологии модульных быстровозводимых общественных зданий. Не стоит на месте решение вопроса применения современных материалов, способствующих развитию энергосберегающих техно-логий в строительстве, например применение энергоэффективных стеновых стеклобетонных блоков. Международный Научный Институт “Educatio” 1(31)20185кого типа заведений. Необходимо помнить, что не-маловажную роль здесь играют вопросы обеспечения конструкционной и пожарной безопасности при эксплуатации зданий. Интерьер должен соответствовать современным стандартам и Федеральным государственным требованиям к организации предметно-развивающей среды. Достаточно популярным приёмом в настоящее время стали подвижные перегородки, мягкие модули, которые дают возможность организовать пространство для игровой деятельности. Неотъемлемой частью интерьера является наличие индивидуальных шкафчиков, должна присутствовать так называемая

